

# ХУКУК

YURIDIK GAZETA

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ҚАРОР ВА ИЖРО

## КУЗ САБОҚЛАРИ

20 октябрь куни Оқсаройда бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов қишлоқ хўжалигининг пахтачилик соҳасидаги муаммоларга катта эътибор қаратиб, айрим вилоят, туман ва хўжалик раҳбарларининг лоқайдликлари туфайли пахтачиликда давлат режаларининг барбод бўлганлиги ҳақида жиддий танқидий фикрлар билдирди. Президентимиз қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига оид қарорлар тўлиқ бажарилмаётганига эътиборни қаратди. Нима сабабдан бундай ҳоллар юз берди? Бу муаммоларни келгусида ҳал қилса бўладими? Бу соҳадаги қонунлар ижроси қандай таъминланапти? Республика прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фулом ШУКУРОВ билан сўхбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Фулом ака, юртбошимиз Оқсаройдаги йиғилишда пахтачиликдаги камчиликларнинг асосийлари сифатида раҳбар ва деҳқонларда янгиликка чанқоқлик сўстиги, ташаббус етишмаслигига эътиборни қаратди. Бу борада сизнинг фикрингиз?

— Юртбошимиз ҳақ гапни айтди. Пахтачилик соҳаси Ўзбекистон учун янгилик эмас. Боболаримизнинг боболари ҳам чигит экиб мўл пахта ҳосили етиштирган, пахтачиликда ўз мактабларини яратган. Кўпчилигимизнинг болалигимиз пахта далаларида ўтган. Пахтачининг бебахоллигини сўз билан таърифлаш қийин. Пахта деганда дунёнинг кўпгина халқлари дўпписи ўзига ярашган ўзбек деҳқонини тушунади.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Бизнинг Ватанимиз пахта ҳам ашёси етиштиришда дунёда нуфузли ўринларни эгаллайди.

Энди айрим вилоят, туман ва хўжаликларда давлат режаларининг барбод бўлганлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, бунинг учун биринчи навбатда раҳбарлар айбдор. Қаердаки ташаббускорлик, ишга янгича ёндашиш бўлмас экан, ўша жойда иш олдинга юрмайди. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агротехника қондаларидан тўғри фойдаланиш, шудгорлаш ва экишни ўз вақтида ташкил этиш, уруғлик чигитни сифатли тайёрлаш мўл ҳосил гарови эканлиги кўпгина раҳбарлар эътибордан четда қоляпти. Оқибатда кузда бармоқ тишлаб, ер чизиб қолишмоқда. БевоСИта фаолиятимизга келадиган бўлсак, Республика прокуратураси идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 августдаги «2000 йил пахта ҳоси-

лини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан назорат ўрнатилиб, доимий равишда тегишли фаолият амалга ошириб келинди. Жойларда кўпгина ишлар қилинди. Бироқ ҳамма ишлар жойида дейишга вақт эрта. Буни бугунги кўзнинг сабоқлари кўрсатмоқда.

— Кейинги пайтларда пахта ҳам ашёсини йиғиштириб олишда талон-тарож, ўзлаштириш ва республика ҳудудидан ноқонуний олиб чиқиш кетмиш ҳоллари учраб турибди. Ана шундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Қаердаки, лоқайдлик бўлса ўша жойда қонун бузилиши, бир сўз билан айтганда жиноят содир қилинади. Сўзининг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман. 1958 йилда туғилган, Қозоғистон Республикаси фуқароси Исо Маматқулов шу йил 22 сентябрь куни Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги И.Каримов жамоа хўжалигидан 400 килограмм пахта ни ўз юртига ўғирлаб олиб кетаётганда қўлга тушди. Унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди ва тергов ҳаракатлари тавомланиб, жиноят иши мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилди.

Қозоғистонлик фуқаролар Сеитмуҳаммад Алибеков, Ажибой Аширелбаев ҳам пахта ўғирлаётганда қўлга олиниб, уларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чоралари қўлланилиши таъминланди. Мен бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Қанча-қанча меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни ўғрига бериб қўйган хўжалик раҳбарларини ҳам оқлаб бўлмайди.

(Давоми 6-бетда.)



Шу йил 28 октябрь куни Республика прокуратурасининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

(Бу ҳақдаги мақола билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз.)



### ТАХАЙЮЛ

Ёшлик, бу — жасорат. Бу — ишонч. Бу — жасоратга интилиш. Бу — лирика ва романтика. Бу — келажакка тузилган улакан режалардир. Бу — истиқболнинг бошланishi.

Нозим ҲИҚМАТ

### ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

## МУШТАРИЙ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Бугун сизларнинг эътиборингизга журналнинг (октябрь) 10-сонидан жой олган материалларнинг мундарижасини ҳавола этмоқчимиз. Илк саҳифаларда «мозийга қайтиш»га жазм қилган тахририят иходдорлари ўзбекнинг буюк адиби Абдулла Қодирий хотирасини ёд этдилар. «XX аср: Ўзбекистон мустақиллиги учун курашган буюк сиймолар» мақоласи филология фанлари доктори Наим Каримов қаламига мансуб.

Маълумки, бир мунча мuddат аввал халқимиз терроризм, экстремизм каби тушунчалар билан тўқнаш кела бошлади. Экстремизмга хизмат қилаётган малъун кимсаларнинг асл мақсадлари нима? Нашрнинг махсус муҳбири Самарқанд вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан ўтказган «Давра сўхбати»да ана шу каби масалаларнинг моҳияти батафсил ҳуқоқ қилиб берилди.

Бундан ташқари, фаол муаллифлардан А.Саидов, Н.Курбанов, И.Иброҳимовларнинг нодавлат ташкилотларнинг жамиятдаги ўрни, қонунлар ижросини таъминлаш, солиқ тизими тўғрисидаги мақолалари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. БевоСИта ёш ҳуқуқшунослар учун қўлланма вази-

фасини ўташи мумкин бўлган чиқишлар қаторида муаллиф А.Жўраевнинг «Дастлабки терговда сўроқнинг аҳамияти», В.Топилдиевнинг «Битимларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги роли ва аҳамияти», А.Шукруллаевнинг «Самарасиз фаолият кўрсатётган қишлоқ хўжалик корхоналарини тутатиш ва тўхтатиш асослари» мақолаларини келтириш мумкин. Яна журналнинг анъанавий рунклари ҳам ҳар доимгидек қизиқарли қилиб тайёрланган.

Маълумки, «Қонун ҳимоясида» журнали яқинда интернет тармоғига уланган эди. Энди унинг саҳифаларидан дунёда рўй бераётган бири-биридан қизиқ хабар, ходисаларни ўқиб бориш имкони юзга келди.

«Қадрият» рунклида муаллифлар Ҳ.Бобоев ва С.Ҳасановларнинг «Ҳожа Аҳрор Валий» тадқиқоти ўрин олган. Шунингдек, ул зотнинг ҳикматларидан намуналар ҳам алоҳида саҳифада эълон қилинган.

Авалги сонлардан ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиб келаятган «Сизни ўғри урдими?» ҳуқуқшуноснинг масалалари ва «Очик қолган эшик» дехтавлари қиссасининг давомини ҳам ушбу сон мундарижасини бойитган.

Н.МАҲМУДОВ

«ХУКУК» — ҳақиқат ҳақида

ОБУНА 2001

XXI асрнинг илк йилида ҳам «Хуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журнали ҳар бир хонадонга кириб бориши, Сизлар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамлансин. 2001 йил учун нашрларимизга обуна давом этаятганлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз: «Хуқуқ» ва «Қонун ҳимоясида» — бу Сизнинг минбарингиз. Бу — мустақиллик минбари.

Индексларимиз:

«Қонун ҳимоясида» — 839, 840.  
«Хуқуқ» — 231, 232.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

«**HUQUQ**»

YURIDIK GAZETA

**Ta' sischilar**

O'zbekiston Respublikasi prokuraturasi,  
Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:****A.ABDURAZZOQOV****Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,  
Komiljon Ismoilov,  
Botir Po'latov,  
Baxtiyor Nazarov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Dilshod Islomov  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
**Telefon:** 133-82-34  
**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.  
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat kompyuter markazida  
Pentium-II MMX - 333 kompyuterida sahilalandi.  
Sahifalovchi B. SAIDOV.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa konseini bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.  
Korxonada manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 1049  
Nusxasi — 12925

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00  
Bosmaxonaga topshirildi 18.30

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir**  
**Sh.YODGOROV**  
**Navbatchi: N. MAHMUDOV**  
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

## РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

**КОМИССИЯ ЯНГИ ТАРКИБДА ИШ БОШЛАДИ**

Республика прокуратурасининг мажлислар залида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилишида Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат, Ички ишлар вазирликлари, давлат кўмиталари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар раислари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят прокурорлари иштирок этдилар.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш ва келгусидаги вазифалари ҳамда унинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган тadbirlar дастурини тасдиқлаш ҳақидаги масала кўрилди. Бу ҳақда Республика Бош прокурори, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга

эмас. Республика бўйича шу йилнинг 9 ойида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,5 фоизга камайган бўлса-да, бу кўрсаткич Хоразмда 50 фоизга, Сурхондарёда 35 фоизга, Андижонда 14 фоизга, Сирдарёда деярли 10 фоизга кўпайган. Жорий йилнинг 9 ойида республикада ўқувчилар томонидан жиноят содир этиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,6 фоизга, шу жумладан Тошкент вилоятида 75 фоизга, Хоразмда 66 фоизга, Фарғонада 55 фоизга, Сирдарёда 25 фоизга, Тошкент шаҳрида 19 фоизга, Андижонда 16 фоизга, Жиззахда деярли 6 фоизга ўсган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия 1991 йилдан буён фаолият кўрсатмаганлиги сабабли бу ишларни мувофиқлаштирувчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар ўз фаолиятини деярли тўхтатиб қўйган.

Республика ички ишлар идоралари тизимида фаолият кўрсатаётган вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи назоратчиликлар томонидан амалга оширилаётган ишлар талаб даражасига эришди. Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар назоратчи томонидан ўсмирларни қонунга хилоф равишда олиб келиш, ҳисобга қўйиш ва ҳисобга олмаслик, ҳисоботларни



етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Р.Қодиров маъруза қилди.

— Бугунги кунда ёшлар билан ишлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. — деди Бош прокурор ўз маърузасида. — Шундай экан, вояга етмаганлар билан олиб борилаётган таълим ва тарбия ишларини ҳар томонлама ривожлантириш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Маълумки, жорий йилнинг 21 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида» қарор қабул қилган эди. Бу қарорга асосан комиссия таркиби ва Низоми тасдиқланди.

Бош прокурор вояга етмаганлар билан ишлаш аҳолига тўхталиб, бу соҳадаги ҳуқуқий-тарбиявий ишлар сусайтириб юборилганлиги айтиб-борни қаратди. Назоратнинг бўшлиғи, иш билан таъминлаш ва бошқа шу каби муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш, гивёандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки бошқа турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолиш каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

Ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини-ўзи бошқариш органлари, халқ таълими муассасалари, ўқув юртлари ва бошқа тегишли идораларнинг фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда бир қатор ишлар олиб борилаётган бўлса-да, бу борада хато ва камчиликлар ҳам йўқ

раҳбар ва масъул ходимлари ўқувчи, талаба ёшларнинг билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш каби ўзларига юклатилган муҳим вазифаларни лозим даражада бажараётганликлари ишлар аҳолини яхшилашга ҳалал бермоқда. Жумладан, мавжуд мактабларнинг 49 фоизи газлаштирилмаган, 30 фоизи эса ичимлик суви билан таъминланмаган, 228 та мактаб авария ҳолатида, 572 та мактаб қурилиши тўхтатиб қўйилган. Мактаблар ўзбек тилидаги дарсликлар ва ўқув қуроллари билан тўла таъминланмаган, чет тили, математика, она тили ва адабиёти, тарих, жисмоний тарбия фанлари бўйича ўқувчилар етишмайди. Таълим тизими ходимлари ва мактаб ўқитувчилари фаолияти устидан назорат олиб борилмаганлиги улар томонидан турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ўқитувчилар томонидан 52 та жиноят содир этилганлиги ҳам бизни ташвишлантирмай қолмайди.

Республикада 2000-2001 ўқув

бу йўналишлар бўйича дастурлар ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этиш, ёшлар муаммоларини бартараф этиш юзасидан тақлифлар бериб бориш, янги иш жойларини яратиш, билимдонлик, ишбилармонлик, тadbirchorлик фазилатлари ва тажрибаларини эгаллашга имконият яратиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш гоёларини ёйишдан иборат бўлса-да, бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, мутасадди ташкилотлар ва идораларнинг бу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маҳаллий ҳокимиятлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ишини тубдан яхшилашни тақозо этади.

Прокуратура идоралари вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни қучайтирмоғи, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноят келиб чиқишининг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар қўришга лозим бўлади.



йили бошланишига 5 та академик лицей янгида қурилиб, 13 таси реконструкция қилиниб ишга туширилиши кўзда тутилган эди. Бироқ ўтган давр мобайнида бирорта ҳам академик лицей қурилиши тугалланмаган, фақат олти таси реконструкция қилиниб фойдаланишга топширилган. Бу даврда 50 та янги касб-хунар коллежлари қуриш, 115 тасини реконструкция қилиш режалаштирилганига қарамай, шундан атиги 11 тасини қурилиши тугалланган, 40 таси реконструкция қилиниб ишга туширилган.

Республика прокуратураси идоралари томонидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилишида йўл қўйилган камомат ва талон-торож ҳолатлари юзасидан 56 та жиноят иши кўзга тилган.

Бош прокурор соғлиқни сақлаш тизимида вояга етмаганларни тиббий қуриқдан ўтказиш, уларни рўйхатга олиш ва соғломлаштириш, ўсмирларнинг бандлигини таъминлаш борасида эса Меҳнат вазирлиги ва унинг жойлардаги тизимлари фаолиятида камчиликларга йўл қўйлаётганлигини кўрсатиб ўтди. Ҳўкмасдан, ишламасдан юрган вояга етмаганлар сонининг салмоғи жойлардаги маъмурий ва бошқа мутасадди идоралар томонидан бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан шохидлик беради.

Республика ёшлари «Камолот» жамағатининг асосий вазифалари ёшларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, ҳуқуқий манфаатлари ва эҳтиёжларини ўрганиш,

Комиссия йиғилишида кун тартибидagi масала атрофича ва жиддий муҳокама қилинди. Музокарада Республика Халқ таълими вазир Р.Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари А.Ақбаров, Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Қ.Мададов, Олий Махлиснинг ёшлар ишлари кўмитаси раиси Азамат Зиё ва бошқалар сўзга чиқиб, вояга етмаганлар билан ишлаш борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишида «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетаси қошида иш олиб бораётган «Қонун ҳимоясида» телегуруҳи томонидан тайёрланган Вояга етмаганлар муаммоларига оид видеофильм намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг 2000-2005 йилларга мўлжалланган тadbirlar дастури тасдиқланди ҳамда қурилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Қароматов, Президент девонининг масъул ходими Э.Жўраев иштирок этди.

**Б. НАЗАРОВ,****«Хуқуқ» мухбири.**

Суратларда йиғилишда лаҳзалар.

**М.НУРИНБОЕВ** суратлари

# ТАҲРИРИЯТ ХАТКУТИСИДАН

## БИР ШИКОЯТ БАЁНИ

### ИНСОН ОР-НОМУСИ МУҚАДДАС

Фуқаро Р.Аширов «Хуқуқ» газетаси таҳририятига йўллаган аризасида Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани, Й.Урозбоев номли жамоа ҳўжалигида бўлиб бошлиғи бўлиб ишловчи А.Жумабоев давлат ерларини ноқонуний равишда ўзлаштириб олганлигини ҳамда у ўғли Ю.Ашировнинг оиласи бузилиб кетишига сабабчи бўлганлигини, унга нисбатан қонуний чора кўрилмаётганини баён этган эди.

Мазкур аризага Республика прокуратурасидан қуйдагича жавоб олдик:

«Амударё туман прокуратураси томонидан ариза асосида ўтказилган текширишда аниқланишича, А.Жумабоев жамоа ҳўжалигининг 0,32 гектар ер майдонини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб келган ва бу ҳолат бўйича унга нисбатан МЖКнинг 60-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, қарор ижро этиш учун «Дўрмон» овул фуқаролар йиғини қошидаги маъмурий комиссияга юборилган.

Комиссия қарори билан А.Жумабоев юқорида қайд этилган моддага асосан 17.500 сўм миқдорда жаримага тортилган.

Шунингдек, А.Жумабоевнинг жамоа ҳўжалиги еридан ўзбошимчилик билан фойдаланиб келишига йўл қўйилгани ҳамда туман прокуратураси томонидан ушбу ҳолатни бартараф этиш борасида қиртилган тақдирномани бажармаганлиги сабабли жамоа ҳўжалиги раҳбари М.Шамуратов ҳам маъмурий жавобгарликка тортилган.

А.Жумабоев томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган «Турон» сўхатгоҳи маъмуриятига Н.Б. билан никоҳда бўлганлиги ҳақида қалбаки ҳужжат тақдим этилганлиги тўғрисидаги важлар текширишда ўз тасдиғини топмаган.

Текшириш натижаларига кўра, 2000 йил 30 сентябрь куни туман прокуратураси томонидан ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иш қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган».

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Инсон шаъни, кадр-қиммати ҳамма нарсадан устун туради. Муқаддас қонуларимиз ҳеч кимнинг инсоний кадр-қиммати, ор-номуси оёқоси қилинишига йўл қўймайди. Раҳимбой Ашировнинг шикоят хати билан танишиб чиққан, ундаги важларни ойдинлантириш учун прокуратура аралашуви зарур, деган тўхтамаг келган эдик. Очиги, юқоридаги жавоб бизни тўла қониқтирмади. Чунки Р.Аширов аризасида баён этилган текшириш давомида аниқланиши зарур бўлган баъзи важларга жўяли, аниқ жавоб йўқ.

Бу важлар нималардан иборат? Келинг, шу ўринда шикоят хатидан айрим парчалар келтирайлик:

«Мен 2000 йил 25 февралда Амударё тумани ИИБ бошлиғи А.Юсуповга шикоят аризаси ёзган эдим. Аризам жавобсиз қолди».

Фуқаронинг мурожаатига эътиборсизлик «ёз-ёз» бошланишига олиб келди. Р.Аширов иккинчи шикоят аризасини ёзиб, Амударё тумани прокуратурасига йўллади.

«Аризам тушгандан сўнг мен ва А.Жумабоевни қақриб, чуқур текшириш ўтказишга ваъда берди. Суриштириш ишлари олиб бориш прокуратура терговчиси Дониёр Масалиевга топширилди».

Хатлардан англашимизча, Д.Масалиев терговдади текшируви ўтказган ва шу асосда туман прокурори Й.Урозбоев номли жамоа ҳўжалиги раисни номига тақдирнома қиритган.

Прокуратура текширувининг ҳаққонийлигига шубҳаланмаган ҳолда Раҳимбой Ашировнинг шикоят хатида келтирилган бир ҳолат мавҳумлигича қолганига эътиборни қаратмоқчимиз.

Р.Ашировнинг шикоят хатидан:

«Менинг ўғлим Юсуфбой Аширов оиласи, фарзандлари билан иноқ яшаб келмоқда эди. 2000 йил февраль ойида келишим Н.Б. (баъзи сабабларга кўра исми-шарифини тўлиқ келтирмадик-тахририят) сохта никоҳ варақаси тўғрилиб (А.Жумабоев назарда тутилган - таҳририят) «Турон» санаториясига олиб кетган... Натижада бир муқаддас оила бузилиб кетди».

Жавоб хатида «А.Жумабоевнинг «Турон» сўхатгоҳи маъмуриятига Н.Б. билан никоҳда бўлганлиги ҳақида қалбаки ҳужжат тақдим этганлиги тўғрисидаги важлар текширишда ўз тасдиғини топмаган», дейилди.

Агар шундай бўлса, Касаба уюшмалари федерацияси Ўзбекистон қуроратли бошқармаси «Турон» сўхатгоҳи бош шифокори имзоси билан Мирзо Улугбек туман ИИБ бошлиғи номига тақдим этилган маълумотнома қайқдан келиб қолди? Русча ёзилган мазкур маълумотноманинг ўзбекча таржимасини келтирамиз:

«Турон» санаторияси маъмурияти Сининг 2000 йил 24 февралдаги сўров хатинигизга асосан шуни маълум қиладики, 48 ёшли А.Жумабоев, 37 ёшли Н.Б. 07674, 07673 рақамли йўлланмалар билан 2000 йил 13 февраль соат 15.45 да санаторийга келишган.

Навбатчи врач С.Муслимовнинг талабига кўра улар қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланган никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг (ҳар иккаласининг паспортларида никоҳ тузилганлигини тасдиқловчи муҳр бўлмаган) нусхасини тақдим этишган. Шундан сўнг улар бирга жойлаштирилган (врач С.Муслимовнинг тушунтириш хати илова қилинади)».

Текширувда Р.Ашировнинг шикоят хатида баён этилган бу фактлар негидир эътиборсиз қолдирилган. Агар қимдир қалбаки ҳужжат тайёрлаган, тўхмат уюш-тирилган бўлса, бундай хатти-ҳаракатга нисбатан қонун йўли билан тўсиқ қўйиш керак эмасми?

Ушбу сўзларни ёзаяпмиз-у, юқорида эълон қилинган жавоб ариза муаллифини қаноатлантирмайди, деган ўй қўнгилмиздан кечаяпти. Агар акси бўлса, 70 ёшда ор-номусдан виждон азобда қийналаётган Раҳимбой ота тагин қўлига қалам олиб, шикоят ёзмаслигига қафолат беролмаймиз.

## «ХУҚУҚ» ДАН МИННАТДОРМИЗ

### ҚИЗИМ ОЗОДЛИККА ЧИҚАДИ

Инсон ва фуқаро ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишни, адолатни қарор топтириш учун кура-ишни биз, журналистлар ўз фаолиятимизнинг бош йўналиши деб биламиз. Шу боисдан таҳри-риятимизга келаятган бирорта ҳам шикоят ва аризалар эътибордан четда қолмайди. Энг му-ҳими, «Хуқуқ»га келган шикоят хатларининг ак-сарияти ижобий ҳал этилмоқда.

Таҳририятга шу йил июль ойида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Хожқўрбон ота Хай-руллаевдан мактуб келган эди. Унда уруш фах-рийси қизи Ҳажида Хайруллаевани 1999 йилги Амнистия асосида озодликка чиқаришда ёрдам сўраган. Таҳририят отахонга бегараз ёрдам қўли-ни чўзди. Ниҳоят, Хожқўрбон отадан яна бир мактуб олдик:

«Азизлар, бу мактубни қувонганимдан ёза-

ялман, — дейилади унда. — Газета бош муҳар-ририга ёрдам сўраб ёзган аризам сабабли Ре-спублика прокуратураси қизимнинг иши бўйича протест келтирди ва ушбу протест қаноатлан-тирилиб, қизим озодликка чиқарилди. Адолат учун курашда бутун билими ва куч-гайратини аямаётган прокуратура масъул ходимлари Фай-зуллаева, Алимбоева, «Хуқуқ» газетаси бош муҳарририга чин юракдан миннатдорчилик бил-дираман. Бундай эзгу ишларингиз Сизларга ҳур-мат ва обрў келтиришига ишонаман. Ахир ин-сонга яхшилик қилишдан кўра эзгуроқ иш борми-кин дунёда!

Ҳурмат билан Х.ХАЙРУЛЛАЕВ,  
Бухоро вилояти Бухоро тумани  
«Дўстлик» жамоа ҳўжалиги

## МАКТУБ ОРТИДА ИНСОНЛАР ТАҚДИРИ

Шаҳноза остона ҳатлаб кўчага чиқди-ю, тўрт хонадон нарида кел-лаётган синфдош дугоналарини кўриб, иккиланиб қолди. Уйга қай-тиб бўёғи ўчиб, анча уриниб қолган айвон остонаси олдида тўхтади. Мактабга бормай қўялоқсамикин? Йўқ. Бундай қилолмайди. Касал она-сига ваъда берган. Хозиргина фоти-ҳага қўл очиб қузатиб қўйган онаси хаф бўлади, касали кучаяди.

Борай деса, бир-икки дуго-насининг синфдаги гап-сўзлари жон-жондан ўтиб кетди. Айниқ-са, Нарғизанинг «Улар яхши бўлишса, отаси ташлаб кетар-миди?» деганлари ҳамон қулоқ-лари остида жаранглаб туриб-ди. Шаҳнозанинг уч-тўрт томчи аламли кўз ёшлари оппоқ даф-тар устига тўкилди. У яна ўзини босди. Улар билан тенг бўлол-маслигини билади.

Нима қилсин, айб ундами, ҳали қўлидан бирон иш келмай-диган сингилларидами? Еки уч фарзандини баҳоли-қудрат еди-риб-ичириб, қийинтириб келаят-ган онаси — Шохида аядими?

Шаҳноза шуларни ўйлаб, ҳеч ўйининг охирига етолмас эди. Авваллари ёш эди. Энди 15 га кирди. Кеча кечқурун овқат қилаётганда ширақойф отаси-нинг гапларини эслади:

— Онанга айтиб қўй, ҳадеб қиз туғадиган хотин менга керак эмас, мен кетдим, қидирмала-ринг!

Шаҳноза ич-ичидан чиқаёт-ган аламли кўз ёшларини ениги билан артиб орқага қараган эди, ошхона устунига сўяниб турган кичик синглиси Анорани кўриб ўзини босолмади. Югуриб келиб ҳали б ёшга тўлмаган касалманд, усти юпун, озгин жигарбандини қучқлаб, овоз чиқармай йиғлаб юборди...

Азиз ўқувчи! Юқорида баён этганларимизни ҳикоя деб ўйла-манг. Бу бор гап.

Биз яқинда бир мактуб олдик. Уни мактаб ўқувчиси, Тошкент вило-яти, Бекobod тумани, Зафар қўрго-ни, С.Валиев кўчаси 58-ўйда яшовчи Йўлдошева Шаҳноза ёзиб юбориб-ди.

Мактубни ўқиб ҳаятда шундай бағритиш оталар, эътиборсиз қарин-дош-уруғлар борлигидан ҳайратга тушасан.

Норасида гўдақларнинг тирек етим бўлиб қўлишига нима сабаб бўлди экан? «Онанинг айтишлари-ча, 1984 йилда Йўлдошев Мурод деган йесит билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган, — деб ёзади Шаҳ-ноза. — Ордан бир йил ўтандан сўнг мен дунёга келган эканман. 1986 йил Мавлуда ва 1993 йил Анора деган сингилларим туғилган. Шу иши да-дам бизни ташлаб кетган. Онам билан қонуний ажрашмай Шохидат шаҳрида бир аёл билан танишиб, у билан Бектемир тумани Бинокор қўргони, Юбейлейн кўчасидаёки 56-уйнинг 6-хонадониде яшайпти.» Бағритиш ота шу кетганича қай-тиб келмади. Ота-она насиҳатлари

бесамар кетаверди. Оиласи, бола-чақасига баъзан юбориб турган ёрдам нафақаси ҳам тортилиб қол-ди. Мана икки йилдирки, ота дийдо-рига, меҳр-мурувватига, тарбияси-га зор бўлиб яшаётган уч опа-син-гил озгина ёрдам пули истаб бағри-тош отани топишолмайди.

Касалманд Шохидата аянинг ҳам нажот истаб катта-кичик идоралар-га қилган мурожаатлари бесамар

ришича, дадам Йўлдошев Мурод шу адресда рўйхатда турганли-ги, аммо ушбу хонадонда яша-маётганлиги сабабли унга нис-батан Бектемир туман ИИБ томонидан қидирув эълон қили-ниб, қидиришмоқдадими. Дадам жиноятчи ёки бирон бир чет элдан келган одам эмас-ку, унга нисбатан қидирув беришса...



# МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИФ ТУТМАНГ

кетди. Боз устига бир дарди икки бўлди. Мактуб муаллифи бу ҳақда шундай ёзади. Жумлаларни айнан келтирамиз.

«1998 йилга қадар бериб-бер-май келган. 1998 йил январдан 2000 йил сентябрга қадар, яъни икки ярим йилдан бери таъми-нотимиз учун алимент юборган-ларим йўқ. Шу тўғрисида онам Тошкент шаҳар Бектемир туман судига мурожаат қилди-лар».

Шундан кейин моддий жиҳатдан жуда қийналган оилга Тошкент шаҳар Бектемир туман суди раиси М.Сиддиқова томонидан имзолан-ган жавоб хати жўнатилди. Шу билан барча мутасадди идора ходим-лари ўз вазифаларини бажариб бўлишганди. Жавоб хатини катта умидлар билан ўқиган опа-сингил-лар қўнги бадтар чўкиб қолаверди. Яна шикоят хатидан айрим жумла-ларга мурожаат қиламиз:

«Бектемир туман суди раи-си М.Сиддиқованинг хабар бе-

Нега топишолмаяпти?»

Шу ўринда масаланинг иккинчи томони кишини ўйлантиради. Меҳр-мурувват ва ёрдамга муҳтож бу оила яшаб турган Зафар қўргони маҳал-ла фуқаролар йиғини фаоллари, хотин-қизлар кенгаши аъзолари, жуда бўлмаса Шаҳноза ва Мавлуда-лар ўқиётган мактаб жамоатчилиги четда турмаслиги керак эди. Тўғри, қонунбузарни топиш, жабрдийда-ларга ёрдам бериш ички ишлар идоралари ходимларининг вазифа-сига қиради. Мустақил давлатимиз-да катта имкониятлар берилган жа-моат ташкилотлари ҳам уларнинг четга олмай, ёрдам қўлларини чўза-дилар деган умиддамиз.

Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она», деган ажойиб нақл бор. Шояд опа-сингиллар ҳам яхши одамлар эътиборида ўз йўлларини топиб, ўтган қунарларни қўрмагандай бўлиб кетишса. Ҳар қалай, мактуб ортида инсонлар тақдир бор.

Гарчи ҳар бир инсонга яшаш ҳуқуқи Аллоҳ томонидан берилиб, уни олиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи бўлмаса-да, айрим қонунбузарларни содир этган жиноятлари учун фақат ўлим жазосига маҳкум этиш тақозо этилади. Фикримизни янада аниқроқ ифодаладиган бўлсак, ўлим жазоси бошқа қоралар билан мақсадга эришиш мумкин бўлмаган ҳолатларда қўлланилади. Шу билан айна бир вақтда ўлим жазоси маълум маънода давлатнинг ўч олиш усули ҳам ҳисобланган. Яъни, бугунги кунгача ўлим жазосида ибтидоий жамоа тузумидан қолган хун ва қасд олиш принциплари сақланиб қолган. Лекин ўлим жазоси қандай мақсадда қўлланилса-да, у йиллар давомида оғир жиноятларнинг олддини олиш воситаси бўлиб келмоқда. Узингиз ўйлаб кўринг, ўз отасини ўлдирган ўғил ёки 5 мурғак гўдакни ҳеч бир сабабсиз чоғиб ташлаган қотилга олий жазодан ўзга қандай жазо белгилаш мумкин?

## МАҲКУМ НЕГА ЎЛИМНИ АФЗАЛ КЎРАДИ?

Маълумки, бугунги кунда Европада ва дунёнинг бошқа қитъаларида ўлим жазосини бекор қилиш тарафдорлари тобора кўпайиб бормоқда. Кўҳна қитъанинг кўпгина давлатларида бу жазо бекор қилинганлиги аниқ вақт бўлган бўлса, айрим мамлакатларда эса ушбу жазо ижро этилишига мораторий эълон қилинган. Эндиликда жаҳоннинг кўпгина давлатларида инсонпарварлик ва гуманизм широрлари остида олий жазони бекор қилишни талаб қилиб чиқувчилар тобора кўпайиб бормоқда ва бунинг учун талай асослар мавжуд.

Биринчидан, ўлим жазоси жазо институтининг мақсадларини амалга ошириш, яъни шахсни қайта тарбиялаш, ахлоқни тузатиш, жиноий фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадларига тўла жавоб бермаслиги янада ойдинлашди.

Иккинчидан, статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ўлим жазоси қўлланилаётган мамлакатларда жиноятчилик даражаси бу жазо бекор қилинган давлатлардагидан кам эмас. Яъни, ўлим жазосининг жиноятни олддини олишдаги аҳамияти кескин пасайиб кетди. Кўпгина машҳур психиатрларнинг таъкидлашларича, ўлим жазоси жиноятчини онгли равишда содир қилаётган жиноятдан ҳеч қачон тўхтаб қола олмайди. Чунки, қотил бошқа шахсни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилар экан, ўзининг жазоланмаслиги ва қўлга тушмаслигига қаттиқ ишонди.

Учинчидан, тараққиёт ва инсон онги юқори босқичга кўтарилган бугунги кунда ҳам ҳеч кимнинг юридик хато, яъни — айбсиз шахсга нисбатан ўлим жазоси чиқарилмаслиги ва унинг бегоҳлиги исботланганига қадар ҳукм ижро этилмаслигига қаролат бериб бўлмайди. Табиийки, бундай ҳолатларни исталган давлатда учратиш мумкин.

Тўртинчидан, инсонга яшаш ҳуқуқи Аллоҳ томонидан берилган экан, уни фақат Аллоҳ қайтариб олиши мумкин.

Бешинчидан, ўлим жазосига маҳкум этилганларни умрбод қамок жазосига алмаштиришнинг самарали томонлари мавжуд. Ҳатто, инсонийлик қиёфасини йўқотган жиноятчилар учун ҳам умрбод қамок жазоси энг оғир жазо чораси эканлиги кўп бор исботланган. Масалан, ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун умрбод озодликдан маҳрум этилган айрим маҳбуслар тайинланган жазоларини ўлимга алмаштирилишини сўраб, тегишли ташкилотларга такрор-такрор илтимоснома бераётганлар. Олтинчидан, баъзи ҳолатларда ўлим жазосига бевосита жиноят-

ни ташкиллаштирган шахслар эмас, балки жиноятнинг оддий ижрочилари ҳукм қилинади. 95 фоиз ҳолларда ўлим жазосига ўзининг инсонийлик қиёфасини йўқотганлар ҳамда мастлик ҳолатида ёки моддий муҳтожлик оқибатида жиноят содир этганлар тортिलाди. Яъни, бу борада ижтимоий адолат принципларига амал қилинмайди. Бироқ шундай жиноятлар борки, улар ҳақли равишда кишининг нафрати ва қаҳр-ғазабини уйғотади. Масалан, бутун дунёга машҳур Чикитилонинг ишини олайлик.

У жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда 53 та қотиллик содир қилган. Ёки бўлмаса куйидаги жиноятга эътибор беринг: Она ўз боласини қаҳратон қишда кўчага яланғоч ҳолда чиқариб, қор устига ташлаб кетмоқчи бўлади. Шунда бола «она, онажон мени ташлаб кетма», деб онасининг оқсидан югуради. Она эса болани янада узоқроққа олиб бориб ташлайди ва болаки музлаб ўлади.

Мен ўлим жазосини бекор қилишни бугунги кундаги принципал масала сифатида илгари сурдиш ниятидан йироқман. Бироқ, инсонпарвар демократик ғоялар бутун дунёда қарор топаётган бир даврда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи эртами кечми бизда ҳам ҳал қилинади.

Ўзбекистон қонунчилигида бу борада дастлабки қадамлар ташланди, яъни ўлим жазоси Жиноят кодексигаги баъзи моддаларнинг санкциясидан чиқариб ташланди. Содириб этилган жиноят учун ўлим жазоси белгиланган моддалар сони анчагина камайtirилди.

Лекин шу нарсани ҳам ёдда тутиш лозимки, биз яшаб турган жамият ўлим жазосини бекор қилишга ҳали тўла тайёр бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин, бу ҳол олий жазони бекор қилиш заруриятини ортга сурмайди.

**Беход МҶМИНОВ,**  
НИВ академияси тингловчиси



# ОЛИЙ ЖАЗО

ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ

### ТЕЗКОР МАЪЛУМОТ

Шу йилнинг 30 март куни Норин тумани, Ҳаққулбод шаҳри, Улуғбек массиви, Улуғбек номи кўча, 10-уйда мухдиш қотиллик содир этилди. Жасади кўрпачага ўраб, чуқурга ташлаб юборилган.

### ҚАБИҲЛИК

Ўша кун... Валижон ва Одижон икковлашиб тўйгунча вино ичишди. Спиртли ичимлик аъзон-баданларини қиздира бошлаган ака-ука ўзларини шер билишди. Сўнг, аввалдан режаланган ниятларини шу кеча амалга оширишга келишишди. У туғишган акаси Абдумуталнинг ҳовли жойини зўрлик ишлатиб эгаллаш, бордию қаршилик кўрсатса, ўша тобда ўлдириш эди.

Иш қутилгандек кечди. Валижон ва Одижонлар бир-бирларига далда бўлиб Абдумуталнинг уйига борганларида акасидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Абдумутал укаларининг қабиҳ ниятидан беҳабар кўрпача солиб меҳмон қилишга уринди. Бироқ, Валижоннинг «ҳеч нарса керак эмас, аяхсиши манави ерга «чўкин», деган дағ-дағаси уни шошириб қўйди. Боз устига ғашига тегди. Чунки, укаси ундан роппа-роса беш ёш кичик эди.

— Нима гапиг бор, — жаҳли чиққандек юзланди Абдумутал.

— Энди... — қаҳрли қиёфада сўз қотди Валижон, — Истайсизми йўқми бизнинг айтганимиз бўлади. Ахс ҳолда...

Абдумутал укасининг нимага ишора қилаётганини дарров тушунди.

— Бекорга овора бўласан, мен ҳеч қачон ўтирган уйимни сотмайман. Хотиним, бола-чақаларим кўчада қолишини истамайман. Қолаверса, қуруқ ерда иморат қилиш осонликча кечмади. Лой чангаллаб, терга ботиб меҳнат қилдим. Шу уйни кўрдим. Энди...

— Ҳали шунчаки, — Валижоннинг чайир қўллари мушт бўлиб тургилди. Сўнг ўйлаб ўтирмай акасига мушт туширди. Абдумутал қутилма-

\*\*\*

Халқимизда «отанг ўтирган уйнинг томига чиқма» дейилган доно ўғит бор. Бунда отага бўлган чексиз ҳурмат, эҳтиром муҳассам. Омон Ҳаққулов ҳам фарзандлари, оиласи, қолаверса, элининг эъзоз, эътиборига тушиши мумкин бўлган инсон эди. Бироқ у ота деган улўғ номга арзигулик иш қилмади. Ўзининг бадниятларига эҳ берди. У «жаҳл келганда ақл кетади» қабилида иш тутди.

Омон ўли билан бугунги жанжалдан сўнг кўндан буён ўзини қийнаб келган чигали ечгандай бўлди.

ган зарбдан биров эсанкиради. Одижон икки акасининг олишувини ҳакам сингари кузатар экан, Валижонга раҳми келди шекилли, аввалаги Абдумутални тепгандай бўлди. Лекин бундан қаноат ҳосил қилмади. Сўнгра, шакф ортидаги арматурадан ясалган дупоя (қосиблар ишлатадиган буюм) ни қўлига олиб Абдумуталнинг бошига зарб билан урди.

— Ох... — Абдумутал қалтак зарбидан ерга қулади. Бошини қимир-

Валижон ва Одижондан уни сўрашганида «қаёққадир кетиб қолган шекилли, биз ҳам тополмаймиз», дея жавоб қилишди. Аммо...

Валижон тун қоронғусида арава етаклаганча таниш эшик олдида тўхтади. Унинг мақсади ҳожатхонадан мурдани олиб кетиш эди. Бироқ, унинг ҳаракати маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қодиржон Қаримовда шубҳа уйғотди. Оқсоқол Валижондан нима сабабдан арава етаклаб юрганни сўраганида йи-

## МУРТАДЛАР

ЁКИ ЎЗ ТУҒИШГАН ЖИГАРЛАРИ ТОМОНИДАН ХЎРЛАНГАН МУРДАНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ ХУСУСИДА

лата-қимирлата жон таслим этди. Укалар ўз туғишган акаси Абдумуталнинг жасадини тўшаққа ўраб, ҳовли бурчагидаги чуқурга ташлаб юборишди.

Сўнгра икковлон ўз жигарлари қонига бўялган қўлларини, палос ва кўрпачаларни билинмас даражада ювишди. Дупояни ҳам латтага ўраб, чуқурга жойлашди. Кейин, гўё ўғри тушгандек қилиб, эшик зўрфини синдиришди. Уй ичигаги электр ҳисоблагич ва электр плитани олиб, секингина жуфтани ростлашди.

Орадан икки кун ўтган, Валижон акаси Абдумуталнинг хонадонига боради. Мақсад уйнинг ҳужжатларини олиш эди. Ножобил ука шу тариқа ниятига эришгандай бўлди. Бироқ, кунлар ўтган сари уни ваҳима босдимни ёки акасига раҳми келдими, мурдани ота уйининг бостирмаси тагига кўмишни ўйлади. Балки беғуноҳ Абдумуталнинг чиқираб қолган руҳи тинчлик бермагандир?!

### КАЛАВАНИНГ УЧИ

Абдумутал кўча-кўйда кўринмай қолганидан маҳалла аҳли безовталанди. Оқсоқоллар, қари онахонлар

гит шошиб «ҳалиги, цементга келгандим...» дея жавоб қайтаради. Лекин, унинг жовдирган кўзларини, титраб чиқаётган овозида қандайдир сир бор эди.

Маҳалла оқсоқоли ва қўшни Холтожи холянинг тахминларига биноан Абдумуталнинг хонадонини текширилганда калаванинг учи топилди.

Баҳром Боймуродов ва Ойбек Мўйидинов топшириққа биноан Абдумуталнинг уйдаги мулкни рўйхатдан ўтказишга боришганида ҳожатхонада кўрпачага ўралган одам жасадини кўриб, бу тўғрида ИИБга хабар беришди...

Вилоят судининг судлов ҳайъати судланувчилар устидан ўз ҳукмини ўқиди. Унга кўра 37 ёшли Валижон, 29 ёшли Одижон Турсунқулловлар ЖКнинг бир қатор моддалари билан айбли деб топилди ва олий жазога маҳкум этилдилар.

**Обидхон АҲМАДЖОНОВ,**  
Норин туман прокуратураси  
терговчиси  
**Баҳодир ҲАМИДОВ,**  
журналист

## И К К И

Укаларим ҳали ёш бўлса, уларни едириб-ичириш, кийинтириш керак. Отанинг тайин иш жойи бўлмаса. Топган пулим рўзгордан ортмаса... Уф!» — дея бошини чангалларди йигит.

Фарзанд — ҳаётимиз давомчиси. Уни ота-она эъзозлаб воғая етказилади. Айниқса, биринчи ўғилга меҳр ўзгача бўлади. Гўдакчилигиданоқ чиройли кийинтириш, турли хил ўйинчоқлар сотиб олиб бериш ота-онани кувонч бағишлайди. Эндигина атак-чекач қилиб қаддам ташлаётган гўдакнинг келажиги ҳақида ширин орзулар қилиб, ўзларича завоқланишади. Бундай пайтлар Омоннинг ҳаётини ҳам жуда кўп бўлган. Фарзанд бўлмайган, ота-онани суянч тоғзи бўлиши керак. «Отанга тик боқма, йимонинг кетар», деган гап замирида «чүкүр маъно бор. Бироқ Мардон тилига баъзан эрк берди. Отасини камситди. Ҳарна бўлса-да, у Омоннинг пушти камаридан эканлигини унутди. Оқибатда ота-ўғил муносабатларига «шайтон аралашди».

...

# ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИМИ?

ҚОТИЛЛИКЛАР ТАФСИЛОТЛАРИ

МУТАХАССИС МУНОСАБАТИ

Чақалоқ дунёга келди. У нақадар беғубор. У ҳали ўз миллатини, динини, ҳатто инсон фарзанди эканлигини билмайди. Ижтимоий муҳитда улғайиб борган сари эса у ўзини англаш билан бир қаторда миллатини, динини ҳамда ватанини таниб бориши ҳеч кимга сир эмас. Болада нутқ фаолияти шаклланиб улгурмасданоқ катталар томонидан унга бурчи ва вазифалари тушунтирилиб борилади.

Жамиятдаги ёзилган ва ёзилмаган қонунлар онгига синдирилиб борилади ва натижада у жамият аъсосига айланади. Балоғат ёшига етгач эса жамият олдидаги масъулияти янада ортади.

Юқоридаги қонуният асосида шахс таркиб топар экан, нима учун улардан баъзи бирлари жамият қонунларидан четга оғиб, турли жиноятларга қўл урадилар? Бу хатти-ҳаракатларни содир этиш бирон-бир қонуниятга бўйсунмади, деган савол кўпчилик соҳа вакиллари қаторида руҳшунослари ҳам ўйлантириб келаётган жумбоқлардан биридир.

Қотил, қотиллик каби сўзларни эшитганда ҳар бир инсоннинг руҳий ҳолатида қисман ўзгариш бўлмасдан иложи йўқ. Сабаби, бу тамга остида нима яширилганлигини ҳамма ўзича тасаввур этади ва моҳиятини тушуниб етишга қизикади.

Қотиллик бир ёки бир неча шахслар томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракат бўлиб, бунинг оқибатида эса бошқа бир шахс барвақт ҳаётдан кўз юмади. Қотиллик инсоният жамияти вужудга келганидан буюн қоралаб келинадиган энг оғир жиноят бўлишига қарамай ҳамон эъдиго момақалдирак каби ураб турбди.

Келинг, ана шу инсонга хос бўлган ҳаракатнинг психологик хусусиятларига қисман тўхталиб ўтайлик: қотиллик турлари нақадар кўп бўлмасин, унинг асосида икки хил эҳтиёж ётади. Улардан биринчиси, биологик эҳтиёж бўлса, иккинчиси ижтимоий эҳтиёждир. Мана шу икки эҳтиёждан бири шахснинг эмоционал ҳолатини вужудга келтириб, уни ўз олдига қўйган мақса-

снинг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, инсон фаолиятининг ҳайвон фаолиятидан фарқ қилишининг асосий белгиси у ўз фаолиятининг натижасини олдиндан кўра билади. Қасддан амалга оширилган қотилликни ҳам шундай десак, хато бўлмайди. Лекин бошқа турдаги амалга оширилган қотилликлар ҳам борки унда шахс ҳақиқатан ўз фаолиятининг яқиний оқибатини кўра олмайдди. Бунга ўзини ҳимоя қилиш асосида юзага келадиган ихтиёрсиз қотилликларни мисол қилиб келтириш мумкин.

нинг руҳий ҳолати кўпинча аяк ҳолати деб баҳоланади.


Бундай руҳий ҳолатни бошидан кечириётган шахс ўз фаолиятини назорат қила олмай қолади ва хаттоки фаолият натижасини мушоҳада ҳам қилмайди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки инсонда ҳеч бир жонзотга берилмаган тафаккур қобилияти мавжуд экан, аяк ҳолатини қотилликнинг асоси деб бўлмайди. Дарҳақиқат, аяк ҳолатига ҳамма шахс ҳам тушиши мумкин.

Шахснинг аяк ҳолати моҳияти-

## ҚОТИЛЛИКНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

ди сари ундайди. Ана шундай ҳолатга тушиб қолган шахс ўз хатти-ҳаракатини идрок этса-да, унинг оқибатларини идрок эта олмайдди. Натижада эса «мен бундай бўлишни истамагандим» деб тураверади. Бу мураккаб руҳий ҳолатнинг асосида қандай ҳаракат ётади, онг ости ҳаракатини ёки онгсизлик ҳаракатини? Қайси бир ҳаракат тури етакчи роль ўйнаганлиги шахс идрокнинг бай ҳолатда бўлганлигига кўпроқ боғлиқдир. Ўз хатти-ҳаракатини идрок этиш эса ўз навбатида шахснинг олдига қўйган мақсадига боғлиқ, мақсаднинг йўналганлиги эса шах-

Биз кўпинча фаолият деймизку, лекин унинг қандай қонуният асосида амалга ошириши ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Фаолият тизими аслида қуйидагичадир:



Фаолиятнинг нима эканлигини тушуниб олганимиздан сўнг энди қотилликни юзага келтирувчи руҳий ҳолат ҳақида тўхталиб ўтсак. Бу ҳолатнинг шахс характери ёки тем-

пераментига (миқозига) боғлиқлиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Сабаби, булар шахснинг индивидуал (ўзига хос) хусусиятидир. Қотилликни амалга оширган шахс-

**Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.**  
(Ўзбекистон Республикаси Халқатирувчи палатасининг 24-моддаси.)

либ ҳеч нарса кўрмагандай юраверди. Бирок, «касалини аширсанг, иситмаси ошкор қилади», деганларидек, жиноят исзиз қолмади. Аравача дастагида Мардоннинг танасидан оққан қон изи қолган эди.

Кўллари қон Омон ўз қилмишидан қаттиқ изтиробга тушса-да, ҳеч кимга сир бой бермади. Хотини ва фарзандларидан яширди. Она эмасми, ўғлининг тўсатдан йўқолиб қолиши Тўхта опани ташвишлантирди. Юраги безовта бўлиб, кўнгли ҳеч ёришмади. У ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмаган эди. Ниҳоят, у эрини ўғли Мардон йўқолганлиги учун ички ишлар бўлимига хабар беришга кўндирди.

\*\*\*

Когон туман прокуратураси ходимлари, ИИБ тезкор гуруҳи кеңаю кундуз тиним билмади. Малакали тарзда маҳорат билан олиб бориладиган тезкор қидирув ва тергов ўз самарасини берди. Мардоннинг мурдасини уч-тўрт кун ўтиб қишлоқ четидидаги захқашдан, хас-хашаклар остидан топишди. Шундан сўнг қотил ўз қилмишларини қонун ҳимоячиларига бирма-бир сўзлаб беришга мажбур бўлди.

Омон Ҳаққулов кўпдан бери ҳеч қаерда ишламасди. Шунинг учун ҳам ўғли Мардон оиланинг ҳамқишлоқларидан ёмон яшашликларини ота-

сига бир неча бор таъна қилган эди. Шу боси ота-ўғил орасида «ола мушук» ўтган эди.

Охири марта июнь ойларида Мардон Ҳаққулов билан язнаси Мансур Ражабовлар шу қишлоқлик Али Аминовга 100 минг дона хом гиштинга 40 минг сўмга қуйиб беришга келишади. Гишт қуйишга Омон Ҳаққуловни ҳам жалб этишади. Бирок, бу ерда ҳам ота-ўғил айтишиб қолади. Отаси ишни ташлаб кетади. Шу кундан бошлаб Омоннинг миёсида ўғли Мардонни ўлдиришдек шум ният чарх ура бошлайди.

\*\*\*

Найманча қишлоқ ахли Мардонни сўнгги йўлга кузатди. Онанинг фарёди еру кўкни титратди: «Мардоним, мени ташлаб кетма! Тўйлар қилай дегандим-ку, ўғлим!»

Онанинг фарёдига укаларининг йиғиси қўшилди. Қишлоқ қизлари қип-қизил мато тортилган тобут ортидан нолон боқиб қолишди...

Тўхта опа ўғлининг зим-замбил гамини кўтарсинми, олти фарзандни боқиш, кийинтириш, тарбиялашни ўйласинми, 19 йил озоликдан маҳрум этилган эрини деб қуйсинми? Онага оғир, жуда ҳам оғир...

Ҳикмат АҲМЕДОВ,  
Бухоро вилоят суди судьяси,  
Лолахон МАНСУРОВА,  
журналист



ни бир-икки мақолада очиб бериш имкони йўқ. Шахсни қотилликка ундовчи сабаблардан бири бу салбий ҳаёл бўлиши мумкин. Бу ҳам ўз навбатида шахснинг гайритабиий ҳаракатларни амалга оширишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳаёл шундай жараённи агар у тўғри йўналтирилган бўлса ижобий натижалар, аксинча бўлса салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Ҳаёлни йўналганлиги ҳам қотилликка сабаб бўлишини баъзи руҳшунослар таъкидлаб ўтишлари бежиз эмас. Кўпинча қотилликка қўл урган шахслар, бундай бўлишни ҳаёлимга ҳам келтирмагандим» дейишлари сабаби ҳам салбий ҳаёлдир.

Ҳеч бир шахс қотил бўлишни истамайди, лекин шахсини инсонга номуносиб шундай ном олишга ун-

довчи омиллар борки, уни психологлар ички ва ташқи омиллар деб баҳолашади. Ички омилдан бирига ниҳоятда қисқача тўхталиб ўтдик. Сабаби ана шу ички омил асосий ва етакчи омилдир. Келгусида асосий омилнинг ҳар бир жараёнига тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Шу билан биргаликда шахсни қотилликка ундовчи жамиятимизга ёт бўлган ижтимоий таъсирни ҳам илмий асосларга суянган ҳолда очиб беришга ҳаракат қиламиз, бунинг учун эса турли соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари керак бўлади.

Л. ТУРСУНОВ,  
ЎЗМУ ижтимоий-сиёсий фанлар факультети психология кафедраси катта ўқитувчиси

### ТАХРИРИЯТДАН:

Ушбу мавзунини биргина мақолада тўла ёритиш мумкин эмас, албатта. Кўш саҳифани тайёрлашдан мақсадимиз ҳам кўпчилик олимларимиз, тадқиқотчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот соҳасида меҳнат қилаётган тажрибали амалиётчиларимиз эътиборини шу мавзунини чуқур таҳлил қилишга қаратишдир. Ўйлаймизки, хурматли ҳуқуқшуносларимиз ҳам бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини, чуқур таҳлилий мақолаларини бизга йўллайдилар.

## ҚУТБ

Мардон кун бўйи гишт қуйиб чарчаган. У беозор ўхларди. Балки, йиғит бу пайтда ширин тушлар кўраётгандир. Бирдан...бирдан йигитнинг, ҳа, ўн гулидан бир гули очилмаган Мардоннинг боши узра кўтарилган болта зарб билан тушди. Жоҳил отанинг кўлидаги кескир болта бир зумда қонга беланди. Уйқуда ётган 19 ёшли Мардоннинг ҳаёт шайми шу тараққа сўнди. Қотил ота эса, энди ўзини тутта олмас, гўё ўлжаси қаршисидаги йиртқичга ўхшарди...

Муқаддас китобимиз «Куръони карим»-да ҳам одам ўлдирши-ғуноҳи азим дейилади. Омоннинг бу қилмиши на мусулмончиликка, на инсонийликка тўғри келади. Бундай ваҳшийликни Аллоҳ ҳам, бандаси ҳам кечирмайди, кечиролмайди!

Қотил жасадни гумдон қилиш пайига тушиди. Ташқарига чиқди. Чор атроф сукунат оғушида. Мурдан кўрпачага ўраб темир араванчага ортди-да, қишлоқ четидидаги захқашга элтиб ташлади. Жиноятни яширмоқ учун ўликнинг устига турли ўт-ўлан, хашакларни тортиди. Уйига ке-

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

# КУЗ САБОҚЛАРИ

(Бошланishi 1-бетда.)

Юрагида Ватанига ҳурмат бўлмаган одам ҳаётда ҳар қандай пасткашликдан қайтмайди. Арзимас чой чак учун юрт бойлигини сотишдан ҳам ҳазар қилмайди. Мирзабод тумани Мирзачўл ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги «Маданият» фермер ҳўжалиги бошлиги Т. Собитов ана шундайлардан чиқиб қолди.

У шу йилнинг 4 октябрь кунин Оқ олтин туманининг божаона масканида автомашинада 3090 килограмм пахта хом ашёсини 1240 кг пиёе остига яшириб, Қозоғистон Республикасига олиб ўтаётганида ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан Т.Собитовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Узингиз ўйланг, ҳар кун минглаб одамларимиз пахта учун далаларимизда тер тўкиб меҳнат қилаётган бир дамба бундай хиёнаткорларни қандай кеңириш мумкин?

Яна бир мисолни Фаргона вилоятдан келтирмақчиман. Шу йилнинг 3 октябрь кунин Қирғизистон Республикаси фўқаролари С.Жарматов ва С.Мадумаровлар Ўзбекистон фўқароси А.Назиров, Қ.Гафуров, Н.Асқаров билан тил бириктириб 15 тонна пахтаани Фаргона тумани «Оқбил» қишлоғи орқали Қирғизистон Республикаси ҳудудига олиб ўтаётганида ушланди. Улар ушбу ҳаракатлари учун қонуний жазосини олиши мўқаррар.

**Пахтачиликмизда оғриқли муаммолар кўп. Бироқ айрим мансабдор шахсларнинг контрактация шартномаларига мувофиқ пахта тозалаш корхоналари томонидан ўтказиб берилган транш пул маблағларини ўзлаштирилганликлари, баъзилари эса ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳўжалик мулки ва ерларини талон-тарож қилганликлари ҳам муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмаяптимикин?**

— Саволингиз жуда ўринли. Ерга қонуний муносабатда бўлиш қишлоқ ҳўжалиги соҳасида неча йиллардан бери ўз ечимини кутаётган муаммо. Айрим фермерлар ҳукуматимиз яратиб бераётган шароитларни менсимай ўзларича қонунга зид ишлар қилишмоқда. Бўка туманининг «Камол» фермер ҳўжалиги бошлиғи И.Туранов ажратилган ерга пахта экиб, туман пахта тозалаш корхонасига 1999 йил 22 декабрдаги контрактация шартномасига қўра пахта хом ашёси етказиб бериши керак эди. Аммо, фермер шартнома шартларини бажармай, пахта тозалаш корхонаси ўтказиб берган 350400 сўмлик транш маблағни фермер ҳўжалиги манфаатига иш-

латиб юборган. Бундай фермерлар бир-иккита бўлганида биз бу муаммони қаламга олмаган бўлардик. Бундай ўзбошимчиликлар ўз-ўзиндан давлат пахта тайёрлаш буюртмаларининг барбод бўлишига олиб келмоқда.

**— Пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлашда терилган пахта учун ўз вақтида ҳақ тўлаш ниҳоятда муҳим. Бироқ жойларда терилган пахтага пул тўлашда ҳам сансоларликларга йўл қўйлаётгани ҳақида тахририятимизга шикоят хатлари келиб туради. Бундай ноҳуш ҳолатини жойлардаги прокуратура идоралари қандай баҳоламоқда?**

— Деҳқон йил бўйи тер тўкиб ҳосил етиштириши мумкин. Аммо, ҳосил ўз вақтида йиғиб-териб олинмас, қилинган меҳнатни сувга оқизган билан тенг. Текширилган давомда айрим мансабдор шахслар томонидан йиғим-терим мавсуми қатнашчиларига ҳисоб-китоб учун ажратилган пул маблағларининг ўз вақтида берилмаслик ҳолатлари ҳам аниқланди.

Хоразм вилояти» Хоразм тумани «Обод» ширкат ҳўжалигида ҳашарчи талабаларга тарқатилиши лозим бўлган 533.9 минг сўм пул ўз вақтида эгаларига берилмаган. Прокуратуранинг ариалашувидан сўнг иш ҳақи маблағлари ҳашарчиларга тўлиқ тарқатилишига эришилди. Яна бир мисол. Ана шундай ҳолат Нишон тумани «Пахта банки» бўлимида ҳам юз берган. Ҳашарчи ва ишчи - хизматчиларга 8 млн. 30 минг сўм пахта пули тўланмаганлиги аниқланди ва қонун бузилиши бартараф этилди. Бундай ноҳуш ҳолатлар пахта йиғим-теримида қатнашаётган теримчиларнинг қайфиятига таъсир қилмай қолмайди.

**— Бу йилги қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қийинчиликлар деҳқонларимиз учун синов бўлди. Индиёи вазифалар шималардан иборат?**

— Оксаройдаги йиғилишда Юртбошимиз йиғим теримни 15ноябр-гача, кузги шудгорлашни 15 декабр-гача, дон экишни 7 ноябр-гача ниҳоясига етказиш зарурлигини таъкидлади. Шундай экан, галдаги ва зифа сусткашликка йўл қўймай янаги йил ҳосили учун замин тайёрлашдан иборат бўлмоғи лозим. Деҳқоннинг қаноти бўлган техника ремонтига эътиборни қаратиш ҳам ҳар бир раҳбарнинг диққат эътиборида бўлмоғи шарт.

Сўхбатдош: **З.МАМАДАЛИЕВ**

**ИЖРО ИНТИЗОМИ ПРОКУРОР НАЗОРАТИДА**

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш манфаатли ва айни пайтда ўта мураккаб ва нозик ишдир. Деҳқон эрта баҳорда ерга дон тикишдан бошлаб то кузда ҳосилни йиғиштириб олиб ерни келаси йилга тайёрлашгача бўлган мураккаб босқични босиб ўтади. Бир қараганда бунинг ҳозирги замонавий техникалар ёрдамида қийин бўлган битирса бўладиган иш деб айтиш мумкин. Лекин бу осонгина айтилган гапдир. Бу ишнинг машаққатини фақат бободехқон билади, ҳолос.

Пахтачиликнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни беқийёс. Пахта толеси ва ундан олинган маҳсулотлар давлатимиз асосий валютаси тушумини ташкил этишидан ташқари, қўллаб босқач эҳтиёжларимизни қондиришда ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Етиштирилган ҳосилни тез ва нест - нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Шу йилнинг 20 октябрь кунин Оксаройда бўлиб ўтган йиғилишда ҳам айнан шу масала мўхокама этилди.

Бу йил об-ҳавонинг ноқулай келиши бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқарди. Лекин шу билан бир қаторда пахтачилик соҳасида айрим маъсул шахсларнинг ўз ишига панжа орасидан қарашлари ҳам маълум даражада етиштирилган хом ашёни ўз вақтида йиғиштириб олинмаслигига сабаб бўлмоқда. Мавжуд камчиликларнинг келиб чиқиши кўп ҳолларда жойларда ишнинг тўғри ташкил этилмаётганлигига бориб тақалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 август куниндаги «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқ вилоят прокуратураси томонидан пахта ҳосилини қисқа муддатларда ҳамда нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш, терим сурьатини ошириш ва унмуддорликка эришиш борасида бир қатор чора-тад-



Суратда: Англиқонликлар орасида биринчилардан бўлиб пахта режасини бажарган «Намуна» ширкат 9-пахтачилик бригадаси бошлиғи С.Абдуллаева.

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

бирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу йилнинг 21 октябрь кунин туман, шаҳар прокурорлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш қарорига асосида жойларда ҳокимликлар томонидан тузилган ишчи штаблари раисларига прокурорлар ўринбосар этиб бириктирилди. Уларга амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар кун вилоят прокуратурасига ахборот бериб туриш топширилди.

Прокуратура идоралари томонидан олиб борилган ишлар давомида вилоят бўйича мавжуд бўлган 217 та қўсақ териш машинасидан 109 таси, 282 та қўсақ чувиш машинасидан 118 таси носоз ҳолатда эканлиги аниқланди. Жумладан, Оққўрғон туманида 29та қўсақ териш машинасидан 22таси, Бекобод туманида 18тадан 11таси, Қуйичирчиқ туманида 48тадан 26таси, Янгийўл туманида 24тадан 9таси ишга яроқсиз. Пискент туманида эса, 9 та қўсақ териш машинасидан носоз ҳолдаги 4таси статистика идорасига берилган маълумотномада яшириб ўтилган. Мазкур ҳолат юзаси-

дан «Пискент» ва А.Дўстбеков номи жамоа ҳўжаликлари бош муҳандислари О.Юнусов ва М.Қариевларга нисбатан маъмурий ҳўқуқбузарликка доир иш қўзғатилди.

Шу каби ҳўлатни ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа ҳўжалигида ҳам кўриш мумкин. Ҳўжалик раҳбари Т.Ергашев 4та қўсақ териш машинасидан 4таси, 5та қўсақ чувиш машинасидан 3таси мавсумга шай деб ҳисобот берган. Бу шахсга ҳам МЖТКнинг 215-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳўқуқбузарликка оид иш қўзғатилди.

Қизғин мавсум давом этаётган бир паллада давлат манфаатларидан қўра ўз манфаатини оқори қўю-

чи шахслар ҳам учраб турибди. Тумандаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги ҳудудида жойлашган «Хамдам» фермер ҳўжалиги пахта даласининг 0,06 гектар ер майдонини фўқаро А.Хошимовнинг қорамоли пайхон қилиб, 5100 сўм миқдорда зарар етказган. Ушбу ҳолат юзасидан А.Хошимовга нисбатан маъмурий ҳўқуқбузарликка оид иш қўзғатилиб, ундан келтирилган зарар иктиврий равишда ундириб олинди.

Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат ҳўжалиги раиси белгиланган режа асосида 1477 гектар ер майдонига пахта экиши лозим эди. Аммо бошқарув раиси Н.Солиев ўз хизмат вазифасини суниестемол қилиб, 51 гектар майдонга сабзавот маҳсулотлари экилишига йўл қўйган. 2000 йилнинг 29 май кунин эса мавжуд 1477 гектар майдонга пахта экилди, деган маълумот берган. Ушбу ҳолат юзасидан Н.Солиев ва бошқа шахсларга нисбатан жинорий иш қўзғатилиб, суд ҳўкми билан тегишли жазо белгиланди.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг мавжудлиги жойларда тартиб-интизомнинг бўшлиғи, қолаверса, қонунларга бепарво муносабат оқибатидир.

**У.ИНОМЖОНОВ,**  
Тошкент вилоят прокурорининг 1-ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси

# ҲАВО АЙНИСА, ИШ ҲАМ СОВИЙДИМИ?

Фаргона вилояти пахтакорлари бу йил пахта тайёрлаш давлат буюртмасини бажаришлари учун барча имкониятлар мавжуд. Терим сурьатини ошириш мақсадида пахтакорларга шаҳарлик ҳашарчилар ҳам кўмакка келишган.

Вилоят бўйича мулк шакли турлича бўлган ҳўжаликларнинг 108 мингдан зиёе азёолари пахта йиғим-теримида қатнашиши кўзда тутилганди. Лекин эрта баҳордан чигит экиб, гўза парваришлаб, «оқ олтин» етиштирган деҳқонларнинг тўртдан бир қисми теримда қатнашмаяпти. Жойлардаги баъзи ҳўжалик раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фўқаролар йиғини раислари, пахта йиғим-теримига маъсул бўлган мутасаддилар уларни ҳам теримга жалб этиш, умумий сафарбарликни таъминлашга эътиборсиз қарамқодлар. Ваҳоланки, пахта йиғим-теримида қатнашаётган, умумий сафарбарликдан

қочиб юрган шахслар интизомий жавобгарликка тортиладилар. Бевосита, шартнома асосида пахта экиб, умумий сафарбарликда қатнашмаётган ижарачи деҳқон-фермер ҳўжаликларининг шартномалари бекор қилиниб, ҳатто ҳўжалик азёолигидан чиқарилишгача бўлган чоралар кўрилади.

Хусусан, Риштон туманидаги «Риштон» ширкат ҳўжалигидан 3-бригада бошлиғи У.Фозилов меҳнат интизомига риоя этилишини ўз ҳолига ташлаб қўйгани сабабли 30 нафар ширкат азёосидан бор-йўғи 14 нафари теримда қатнашмаяпти. Бошлиқ 16 нафар азёоннинг қаерда, қандай иш билан машғуллигини билмайди. Туман прокуратураси бригада бошлиғига нисбатан интизомий ҳўқуқбузарликка доир иш қўзғатди.

Ёгин-сочинли кунларда ёрдамга келган ҳашарчиларга етарлича шарт-шароитлар яратмаслик ҳолатлари ҳам учраятти. Чунон-

чи, Бағдод туманидаги «Бағдод» ширкат ҳўжалигида ФарДУнинг педагогика кулйёети талабалари пахта термоқдалар. Аммо уларга бўлган «ғамхўрлик»ни кўриб, «афсус» деб юборасиз. Талаба ҳашарчилар вақтинча яшаётган бинонинг дераза ойналари йўқ, тиббиёт хизмати йўлга қўйилмаган. Бағдод туман прокуратураси ҳашарчиларга зарур шарт-шароитларни яратиш юзасидан ҳўжалик бошқарувиغا амрнома киритди.

Йиғим-теримда умумий сафарбарлик эълон қилинган бир пайтда баъзи ношукур кимсалар чорва ҳайвонларини тўғридан-тўғри пахтазорларга қўйиб юбормоқдалар. Бувайда туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа ҳўжалиги ҳудудида яшовчи фўқаро А.Мамажоновнинг қорамоли қаровсиз қолиб, 4-бригада пахта майдонини пайхон қилиб, 5500 сўмлик моддий зарар етказди. Туман

прокуратураси унга нисбатан маъмурий ҳўқуқбузарликка доир иш қўзғатди.

Охунбобоев туманининг А.Ясавий номи ширкат ҳўжалигида 3 та, Охунбобоев номи ширкат ҳўжалигида 12 та кўрак чувиш машинаси ишга яроқсиз аҳволда ётибди. «Ўзбекистон», «Намуна», «Дўрмон» ширкат ҳўжаликларида 2 тадан кўрак узич техникасини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар бўла туриб, уларга қўл ҳам урилмаган. Устига-устак статистика идораларга «Техникалар соз» деб нотўғри ҳисоботлар топширилган. Юқоридаги ҳўжаликларнинг раҳбарлари ва бош муҳандисларига нисбатан туман прокуратураси маъмурий ҳўқуқбузарликка доир иш қўзғатди.

**Нўъмонжон ИСАҚОВ,**  
Фаргона вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

## ҲАРБИЙЛАР ХАВОТИРДА

**Маълумки, шу йил октябр ойининг бошларида Ямандаги АҚШ ҳарбий денгиз флотига қарашли «Коул» крейсерида кучли портлаш юз бериб, 17 киши ҳалок бўлган ва 30 га яқин денгизчи жароҳатланган эди.**

Америка расмий вакилларининг таъкидлашларича, мазкур портлашда гумон қилинаётганлардан бири Усама бин Ладендир. Унинг АҚШ қўшинларига қарши кўпуровчилик ҳаракатлари ҳарбийларда жиддий хавотир уйғотмоқда.

Президент Билл Клинтон ва Қўшма Штатлар мудофаа вазири Вильям Коэн америкалик ҳарбийларга қилинган ҳужум кечирилмаслиги ва «Коул»ни портлатишни режалаштирганлар аниқланиб, жавобгарликка тортилажакларини ваъда қилганлар.

Кўпчилик америкаликлар эса бу ваъдаларга унчалик ишонмайптилар. Сабаби, 1996 йилда Саудия Арабистонидаги АҚШ ҳарбийларининг казармасида бомба портлаши оқибатида 19 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган ва ушунда ҳам мамлакатнинг юқори лавозимли расмийлари кўпуровчиларни тезда аниқлаб, жазога тортишлари ҳақида сўз беришган, ammo бу борада қилинган барча ҳаракатлар натижа-сиз қолганди.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР ● ШАРҲЛАР

## АРМИЯ «ДЕЛЬТА» ТИЗИМИДА

Америка Қўшма Штатларининг Форс кўрφαзи ва Туркиядаги ҳарбий бўлима-лари жангариларнинг ҳужумга ўтиб қолиши эҳтимолини назарда тутиб, жангвор ҳолатга келтирилган. Америка армияси вакилининг хабар бери-шича, ҳушёрлики ошириш тўғрисида Қатар ва Бахрайндаги қўшинларга ҳам буйруқ юборилган ва барча қўшин-лар «Дельта» тизимига ўтказилган.



Америка ҳарбий терминологиясидаги бу сўз жангвор тайёргарлик-нинг юқори ҳолатини англатади.

## ТРАЙЛЕРДАГИ ЖАСАД

Германия чегараси яқинидаги Стари-Рибник чех қишлоғида Ферр мамлакатларига ноқонуний йўллар билан ўтаётган иммигрантларга тегишли цистернадаги автомобиль полиция томонидан текширувдан ўтказиш учун тўхтатилади.

Текшириш бошланиши билан бир қанча одамлар машинадан ту-шиб, чегара йўналиши бўйлаб қоча бошлайдилар. Машина бортдан эса жанубий-ғарбий Осиё минтақасига мансуб эркакнинг жасади топи-лади. Оғир яраланган қочоқлардан яна бири касалхонага ётқизилди. Воқеа жойидан ҳеч қанақа ҳужжатлар топилмаган.

## ХИЛЛАРИ ФАЛАСТИНЛИКЛАР ТАРАФДОРИМИ?

АҚШ Сенати сайловларида иштирок этаётган Хиллари Клинтон ва Рик Лазловар Нью-Йоркда уларнинг охириги телечиқишларини ўтказдилар.

Иккала номзод мазкур чиқиш давомида бир қанча муаммоли масала-лар, шу жумладан, Яқин Шарқ масаласидаги фикр-муносабатларини илгартириб, ўзаро баҳслашдилар. Лазло Хиллари хонимдан яҳудийлар таъсири кучли бўлган Нью-Йорк шароитида фаластинликлар фойдаси учун нима ҳам қила олишини из мумкин, деган саволига у фаластинликлар моҳароларни тинч йўл доирасида ҳал этишга рози бўлган тақдирдагина уларни қўллаб-қувватлашини билдирган.

Айни вақтда эса жамоат сўровлари натижасига кўра, Хиллари Клинтон сайловларда пешқадамлик қилмоқда.

## ИСПАНЛАР ҲАМОН ТАШВИШДА

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр испаниялик ҳамкасби Хосе Марии Азнар билан бўлган мулоқоти чоғида айни кунларда Гибралтарда таъмир-ланаётган Англия ядро сувоисти кемаси Испания учун ҳеч қандай хавф туғдирмаслигини таъкидлаган.

Маълумки, шу йил май ойида инглизларнинг «Тайелесс» сувоисти кема-сининг атом реакторидидаги совутиш тизими шикастанганлиги сабабли у ҳаракатдан тўхратилган эди. Ушундан буён Гибралтарга қўшни бўлган Испания шахрларининг мэрлари сувоисти кемасини Британияга олиб кетилишини қатъий талаб қилиб келмоқдалар.

Тони Блэр эса Испанияга қилган сафари чоғида «Тайелесс»ни шатакка олиб тортиб кетиш жуда ҳам машаққатли иш эканлигини рўқач қилган.

## ЛОЙИҲА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

**АҚШ Конгресси вакиллик па-латаси бошқа давлатларга 15 млрд. долларлик молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қил-ди.**

Ушбу ҳужжатга кўра белгиланган маблағ-нинг 435 млн. доллари камбағал мамлакатлар рўйхатида турган дав-латлар учун ажратила-ди. Иқтисодий ислохот-лар ўтказиш учун Сербиянинг янги ҳуку-матига 100 млн. доллар берилади. Аммо, Серб-ия ҳукмати келгуси йилнинг март ойига қадар ҳарбий жиноят-лар содир этган шахс-ларни Гаага судига топширмас, ажратил-ган маблағ микдори камайтирилиши мум-кин. Молиявий ёрдам-нинг 127 млн. доллари эса тинчликпарвар операцияларни ўтқа-зишга сарфланади.

Яқин вақт ичида қонун лойиҳасини Сенат томонидан тас-диқланиши кутилмоқ-да.

## ОМОНАТГА КАФОЛАТ БОР

**Бухарест шаҳар суди Руминия давлат жамғарма банки алданган омонатчиларнинг пулларини қайтариб бериши ҳусусида қарор чи-қарди.**

Шу йилнинг май ойида 300 минг нафар омонатчи Миллий сармоя фонднинг банкротга учраши оқибатида 150 миллион долларга яқин маблағдан ажралиб қолганди. Суднинг юқоридида қарорга келишига жамғарма банкининг собиқ директори томонидан мижозлар маблағла-рини сақлашни кафолатлаш ҳусусидаги имзоланган ҳужжати асос бўлган. Утган ҳафтада эса минглаб алданган омонатчилар намойишга чиқиб, президент биносига келишган ва улар билан президент масла-хатчиси музокара олиб борган эди.



Исроил ҳарбийларининг фаластинликлар билан давом этаётган тўқнашувлари Ёқут Барак ҳукуматида нисбатан ишончсизлик хавфини туғдирмоқда. «Лихут» партияси лидери бўлган Ариэл Шарон билан ўтказган музокарала-рида Бош вазир уни ҳукуматда фавқулотда ҳолат жорий этишга кўндирма олмади.

Сўнги тўқнашувлар натижасида беш нафар фаластин-лик ҳалок бўлган. Сал олдинроқ Исроил танклари Ғазо минтақасига кириб келди. Бундан мақсад яҳудийлар яшайдиган туманлардан бирига олиб борувчи йўлни тозалаш бўлган. Би-Би-Си мухбирининг хабар қилишича, фаластинликлар ҳали-бери ўз намойишларини тўхтатмоқ-чи эмас. Ўз навбатида Ёсир Арофат уларни Қуддус узра Фаластин байроғи ҳилпирамагунча қуролни ташламас-ликка чакирмоқда.

## 15 ЙИЛ ДАВОМ ЭТГАН ТЕРГОВ

**Канада полицияси томонидан икки нафар шахсга нисбатан чиқарилган айблов ҳулосаси эълон қилинди.**

Тергов ҳужжатларида кўрсати-лишича, айбдорлар 1985 йилда «Эйр Индия» авиакомпаниясига қарашли Торонто - Лондон - Дехли рейсини бажарётган самолётни портлатиш-да иштирок этганлар. Ушунда Ир-ландия Республикаси қирғоқлари-га яқинлашаётган ҳаво кемасида со-дир бўлган портлаш оқибатида бар-ча йўловчилар ва экипаж аъзолари — 329 киши ҳалок бўлганди.

Судланувчиларнинг иккаласи ҳам Канада фуқароси. Улар Токюнинг Нарита аэропортида юз берган порт-лашни уюштирганликда ҳам гумон қилинаётирлар.

## ОПЕРАЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Баренц денгизида «Курск» сувос-ти кемаси билан ғарқ бўлган денгиз-чилик жасадларини олиб чиқиш опе-рацияси давом этмоқда. Операцияни амалга оширишда россиялик ғавос-ларга норвегиялик ҳамкасблари кўмаклашмоқда.

Денгиз тўлкилари бироз «дам ол-ган» тундан ғавослар самарали фой-даланиб қолдилар ва «Курск» бorti-да қолган денгизчилардан яна 8 на-фарининг жасадини олиб чиқишга му-ваффақ бўлдилар.

## Internet ХАБАРЛАРИ

## АКАЕВНИНГ ҒАЛАБАСИ

Киргизистонда ўтказилган президент сайловлари Аскар Акаевнинг ғалабаси билан якун-ланди. Марказий сайлов комис-сиясининг хабар қилишича, Ака-ев 74 фоиздан кўпроқ овоз ол-ган.

Унинг рақиби - Киргизистон парламентининг юқори палата вице-спикери Омурбек Текеба-ев эса сал кам 14 фоиз овоз тўплади. Маълумки, Акаев бу лавозимда Киргизистон ўз мус-тақиллигини қўлга киритган кун-дан бери фаолият кўрсатиб кел-моқда. Би-Би-Си мухбирининг айтишича, Киргизистонда Мар-казий Осиёнинг бошқа давлат-ларига қараганда демократия анча тараққий топган. Бирок март ойида бўлиб ўтган парла-мент сайловларида хатоликлар-га йўл қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, Қирғи-зистонда илк президент сайлови муносабати билан 1991 йилда бўлиб ўтган эди. Иккинчиси янги конституция қабул қилинган 1995 йилда ўтказилган. Прези-дент 5 йил муддатга сайланади. Шу йил 29 октябр кунин учинчи бор ўтказилган галдаги сайлов Аскар Акаевнинг мултоқ ғала-баси билан якун топди. Қиргиз-истон тарихида биринчи марта сайлов олди блоклари ҳудудий эмас, сиёсий асосга суянган ҳолда ўз номзодларини кўрсатишди.

Сайловларда Киргизистон-нинг 4,5 миллион аҳолисиндан овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 2,5 миллион иштирок этди.

## ЖЕЙМС БОНДИНГ ТУНАШДИ

Рио-де-Жанейродаги машҳ-ур Копакабана пляжида бир тўда маҳаллий шумтакалар бир неча дақиқа ичида Жеймс Бонд ва унинг маҳбубасини тунаб ке-тишди.

Пляжга дам олиш учун кел-ган жуфтликни чўнтакларини «қоқишди», сумкаларини кесиш-ди, қўлларидан фотоаппарат ва видеокамерани тортиб олишди. Ҳаммаси бўлиб севишганлар 1700 доллар йўқотишди. Бирок полиция маҳкамасида бошқа нарсага аниқлик киритишга тўғри келди. Навбатчи детектив бир неча бор жабрланувчининг исм-шарифини сўраб, охири ундан ҳужжатларини талаб қил-ди. Ҳаммаси тўғри: тақдим этил-ган паспорт унинг 28 ёшли бри-танялик Жеймс Майкл Бонд эканлигини тасдиқлади. Албат-та, машҳур «Агент-007»нинг бу ерда ҳеч қандай алоқаси йўқ. Жабрланган фақат ва фақат Риога дам олиш учун келган унинг фамилиядоши эди, холос.

Бирок Жеймс Бондинг жаб-рлангани ҳақидаги хабар меҳ-монхона ходимларини сароси-мага солиб қўйди. Негадир бар-ча ўғрилардан жабр кўрган ки-шини супермен ролини ижро этган танкили актёр Роджер Мур деб ишонишганди. Ниҳоят анг-лашчилмовчилик юз бергани маъ-лум бўлди. Меҳмонхона бошқа-рувчиси топқирлик билан «фа-милиядош»га ҳамдардик бил-дириб, уни Бондинг севимли ичимлиги — ароқ қўшилган мар-тини билан сийлашни унутма-ди.

## «НИКОТИН ТАЁҚЧАЛАРИ» СУДГА ЕТАКЛАЙДИ

**Ғарбий Германияга «никотин таёқчалари» юқланган маши-нада ўтмоқчи бўлган белорус-лик хайдовчи бу қилмиши учун энди суд олдига жавоб бера-диган бўлди.**

Франкфурт божхоначилари то-монидан назорат-текширув пунк-тида у бошқариб келаётган маши-нада ноқонуний йўллар билан олиб келинаётган 3,6 миллион дона сиг-арет борлиги аниқланган.

Маълум бўлишича, Германия худудида собиқ Иттифоқ мамла-катларида ишлаб чиқарилаётган сигаретларга талаб катта экан ва кўпчилик бундан фойдаланиб уммайгина пул топиш ҳаракати-га тушган. Масалан, яқинда ҳам фран-кфуртлик божхоначилар мамлакат-га яширин равишда Литвадан кел-тирилаётган 3,34 млн. дона сига-ретни ушлаб қолишга муваффақ бўлган эди.



**ЮЛДУЗААР ҲАЕТИ**

Катта спортга Павел ilk бор 1988 йилнинг 5 мартда кириб келганди. Худди шу кун у ЦСКА - «Химик» жамоалари ўртасидаги учрашувнинг тўртинчи минутидек ҳисобни очганди. Бу пайтда эса у эндигина 16 ёшга ўлиш арафасида эди. ЦСКА бош мураббийи Виктор Тихонов кўп ўтмай муз устида чаккон ҳаракатлари, ўзига хос услублари билан бошқалардан ажралиб турган Павелни собиқ СССР ёшлар терма жамоасига таклиф этади. Таниқли мураббий адашмаганди. Буре ёшлар ўртасида 1989 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоасининг олтин медални қўлга киритишига муносиб ҳисса қўшди ва ёш ўинчининг ўзи етти ўинда 8 та шайба киритиб, чемпионатнинг энг зўр ҳужумчиси деган номга сазовор бўлади. 19 ёшида эса Павел Буре собиқ СССР терма жамоасининг кучли беш нафар ўинчиларидан бири сифатида тан олинади.



қўлга киритади.  
1998 йилда Наганода кишки Олимпиада ўинлари бўлиб ўтади. Павел Нагано музларида нимага қодир эканлигини кўрсатди. Финлар билан бўлган ярим финал баҳсида 5 марта шайба киритиб, Гиннеснинг рекордлар китобига кирди. Шу пайтгача эса Олимпиада ўинларида бундай муваффақиятга ҳеч ким сазовор бўлмаган эди. Афсуски, унинг жамоаси кумуш медаль билан қиёяланди, холос.  
Албатта, спорт ҳам катта бизнес. Жамоа раҳбарлари ҳар бир ўинчи-

# РУС «РАКЕТА»СИ

бирга россиялик легионер зиммасидаги юкларни ҳам ошира боради. 1992-1993 йиллардаги мавсум якунлари бўйича Америка хоккей жамоатчилиги Павел Бурени энг кучли ўинчилардан бири сифатида эътироф этади. Бу вақтда эса 83 та ўинда 60 марта рақиблар дарвозасини ишғол этишга улгурган Павел 110 очко тўплаб ўз шўҳрат пилларисидagi энг юқори натижага эришади.

асининг галабаси билан якунланади. Ушбу учрашувдан сўнг рус легионери канадалик мухлислари учун хоккей идеалига айланади.

1995 йил Павел Буре учун омадсиз келди. «Чикаго» ўинчиси билан бўлган тўқнашувда унинг тиззаси каттик жароҳатланади. Худди шундай шикастланиш туфайли кўпчилик хоккейчилар спорт билан бевақай ҳайрлашишга мажбур бўлган эдилар. Шу сабабли, кенчагина унинг доверугини оламга ёйган нашрларда «Бундай жароҳатдан кейин рус «ракетасидан» бирон-бир ихобий натижа кутиш кулгили, унинг карьерасига нуқта қўйилди, у ҳақда ширин хотиралар қолди, холос», деган мазмундаги фикси-фасод гаплар бола-лаб кетади.

Аммо Павел майдонга тушиш имкониятидан мавсум охиригача маҳрум бўлди, холос. Унинг отаси, таниқли спортчи, учта Олимпиада ўинлари иштирокчиси — Владимир Буре ўлганга қайта ҳаёт бахш этди ҳисоб. Павел отаси раҳбарлигида бассейнда машқлар қилди, парашютларда сакради. Хуллас, яна соғайиб катта спортга қайтди. 1997, 1998 йилларда «Кэнакс» Павелнинг шарофати билан чемпионликини

га муносиб ҳақ тўлаши, унинг қизиқшиларини инобатга олиши даркор. Аммо «Кэнакс» мураббийлари рус ўинчисига ҳақ тўлаш масаласида... Хуллас, молиявий келишмовчиликлар туфайли Павел жамоани тарк этади.

Павел Бурега катта умид боғланади «Флорида Пантерз» жамоаси уни мамнуният билан кутиб олади. «Кэнакс» эса жамоадан Павелнинг товоми эвазига энг яхши 4 нафар канадалик ўинчига эга бўлади.

Албатта, яхши ўинчининг топиштиши ҳам шунга яраша бўлади. 1999 йил мавсумининг охириги палларидида майдонга тушиши учун «Флорида» Павелга 3 млн. доллар тўлашга рози бўлди. 2004 йилгача тузилган шартномага кўра Павелнинг ҳамаи 47,5 млн. доллар ҳисобига янада қалпайдди.

Агарда «рус ракетаси» олтинчи йил ҳам жамоа сафида майдонга тушишга розилик билдирса, унга яна 10,5 млн. доллар тўланади. 2000 йил июнь ойида мавсумнинг энг сара ўинчиларини муқофотлаш маросимида П. Буре чемпионатнинг энг яхши ҳужумчиси деб топилди ва «Моррис Рнаштр Трофи» муқофоти билан тақдирланди.

**ШУНАҚА ГАПЛАР**



## «ТЕРМИНАТОР» СОАТИНИ СОТДИ

Нью-Йоркда ўтказилган аукционда Арнольд Шварценеггер, Софи Лорен, Шерон Стоун ҳамда Шер каби кино ва шоу-бизнес борасида дунёга машҳур кишиларга тегишли қўл соатлар савдога қўйилди.

Аукционда Шварценеггернинг Royal Oak фирмасида тайёрланган 18 каратли бриллиант билан безатилган олтин соати энг қимбат баҳога — 340 миң доллар сотилди. Афонский боксчи Муҳаммад Алига тегишли тоза олтиндан ишланган соатни харид қилиш учун эса хариддорлардан бири ҳамаидан 220 миң доллар ажратди. Софи Лорен ва Шерон Стоунларга қарашли соатлар эса бир хил нарҳда — 75 миң доллар эвазига янги эгаларининг қўлларига ўтди.

Маълумотларга кўра хариддорларнинг барчаси юқори табақка мансуб кишилар ва уларнинг номлари сир сақланмоқда.

Мазкур хайрия кимошди савдосидан тушган барча маблағлар Муҳаммад Али ҳамада Арнольд Шварценеггерлар раҳбарлик қиладиган гивандликка ва ўсмирлар жиноятчилигига қарши кураш жамафармаси ҳисобига ўтказилади.

## ТАКСИДА ҚОЛГАН «ЮК»

Таксига ўтириб, ундан тушаётганингизда юк халтангизни, ҳужжатингиз, борингиз ҳамаингизни унутиб қолдиришигиз мумкин. Бундай ҳоллар камдан-кам бўлса-да ҳаётда учраб туради. Лекин ота-онанинг таксиди ўз боласини унутиб қолдиришлари бундан-да камёб ҳодиса бўлса ажабмас.

Шаҳар аэропорти томон ошиқайтган чикаго(AKШ)лик эр-хотин манзилга етиб келишгач, машинадан шошиб тушадилару, автомобилнинг орқа ўриндиғида ширин уйқуда ётган уч ёшли болаларини олишни... унутиб қўядилар. Ҳужжатлар расмийлаштириладиган бир пайтда боласи эсига тушиб қолган аёлнинг ҳолатини тасаввур этиш унча қийин бўлмас керак!

Бу вақтда эса мижозларидан қилиб кетган «қимматбаҳо юк»ни бехосдан қўриб қолган такси ҳайдовчиси машинани тагин аэропорт томон бошқариб келарди.

Аэропорт полиция хизмати вакилининг ёрдами билан «юк» эгасини кутаётган таксини топилди. Ҳеч нарсадан беҳабар болакай эса ҳамон ширин уйқу оғушида ётарди.

**СПОРТ**

## ЯПОНИЯ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Ливанда мамлакатимиз вакиллари учун шармандали кечган Осиё чемпионати ниҳоятга етди. Финал босқичида чемпионатнинг «С» гуруҳида терм сурган икки жамоа — Япония ва Саудия Арабистони термлари шарафли ном учун ўзаро беллашдилар. Кўпчилик футбол мутахассислари ва ишқибозлари Осиё чемпиони деган номга Япония сазовор бўлади дея олдиндан башорат қилишган эди ва шундай бўлди ҳам. Аммо галаба олиндиасини арабистонликлар суриши ҳам мумкин эди. Лекин учрашувнинг дастлабки дақиқаларидаги юз фоиз гол уриш имконияти бўлган пенальтини Ҳамза Идрис уддалай олмади. Японлар томонидан киритилган ягона тўп унинг тақдирини ҳал қилди.

Учрашув тўлик, айниқса иккинчи таймда буткул арабларнинг ҳужумкор устунлиги билан ўтган бўлса-да, ҳимоядан бошқасини уддалай олмаган японларга рostaкамга омад келиб, саудиялик футболчиларнинг барча уринишлари зое кетди.



### ҚАҲ-ҚАҲА


- Хўш, хўжайининг қандай, — сўрабди яқиндагина турмушга чиққан келинчақлардан бири иккинчисидан.
- Унча яхшимас. Ваннага қармоқ ташлаб, балик тутаман, деб кун бўйи ўтиргани-ўтирган.
- Ие, унда психиатрга мурожаат этиш керак.
- Мен ҳам шундай деб уйлайман. Лекин шунақаям янги балик егим келадикки!

Санаторияда дам олаётганлардан бири иккинчисидан сўрабди:  
— Сиз билмайсизми, ювиниш хонаси қаерда экан?  
— Билмадим, бу ерга келганимга атиги етти кун бўлди, холос.

Хотин эридан сўрайпти:  
— Аквариумнинг сувини алмаштирдигизми?  
— Йўқ, баликлар ҳали сувни ичиб бўлишмапти...

Шивалаб ёмғир ёғаяпти. Йўл четидида турган машина гилдирагини бир аёл уст-боши шаллобо ҳолда алмаштиряпти. Шу пайт унинг ёнига яна бир машина келиб тўхтади ва ундан тушган хайдовчи «ёрдам берайми?» деб сўради.  
— Ҳа, ҳа, албатта. Фақат машинани кўп қимирлатманг, орқа ўриндиқда эрим ухлаб ётибди...

Икки овчи учрашиб қолиб, бири-бирдан ҳол-аҳвол сўрайпти:  
— Хўш, айиқ юзи қанақа ўтди?  
— Э, жуда ёмон, мен уни учратолмадим...



## СИРЛИ САЙЁРАНИНГ СИРИ ОЧИЛАДИМИ?

Америка авиакосмоса агентлиги (НАСА) ўзининг янги дастурини эълон қилди. Мазкур дастур ўн йилга мўлжалланган бўлиб, у қизил сайёрада қачонлардир ёки ҳозирда ҳаёт борми-йўқ, деган саволга жавоб топиши керак. Дастурни амалга ошириш ишларида бир неча давлатлардан, жумладан, Франция ва Италия мамлакатларидан келган тадқиқотчилар иштирок этади.

Дастурга мувофиқ тадқиқотларнинг биринчи босқичида Марсга автомат-йўлдошлар чиқарилади. Сўнгра, тахминан 2010 йилда сайёра сатҳига текширувчи аппарат қўндирилади. У бир йил давомида тадқиқот ишларини олиб бориб, сайёра тупроғидан ерга намуналар олиб тушади.

НАСА мутахассисларининг таъкидлашларича, мазкур дастур космонавтика тарихидаги энг йирик тадқиқотлардан бири бўлади ва уни амалга ошириш учун 4- 4,5 млрд. доллар маблағ сарфланади.

Ўтган йили НАСА тадқиқотчиларининг Марсни ўрганиши борасидаги ҳаракатлари самарасиз якунланди. Ушунда улар катта умид боғлаб, қизил сайёра сари учирган «Mars Polar Lander» ва «Mars Climate Orbiter» автомат аппаратлари йўлдан «адашиб», чексиз коинот бағрида изсиз йўқолган эди.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу галги дастур ижроси вақтида хатотикларга йўл қўйилмайди. НАСА раҳбарияти вакилларида бири — доктор Эд Вайлернинг таъкидлашича, яқин келажақда Марсда ҳаёт борми ёки йўқми, деган саволга аниқ жавоб топиллади.

### АНА ХАЛОС

## ЁМОН ҚЎШИҚНИНГ БАҲОСИ...

Бангкокдаги караоке-барларидан бирида яхшигина сархуш бўлган полиция лейтенанти тўппончаси билан бир қанча кишини отиб ўлдирди ва ярадор қилди.

Унинг тушунтиришича, қўшни столда ўтирганлар томонида ижро этилган қўшиқ унга ёқмаган ва у қанақа қилиб ашула айтиш кераклигини кўрсатмоқчи бўлганда, унинг устидан қулишган. Бундан ғазабланган полициячи эса куролини ишга солган...

Маълум бўлишича, Бангкокда бир ҳафта ичида икки марта шундай жиноят содир этилган. Шаҳардаги бошқа караоке-барлардан бирида эса армия зобити бар хўжайинини отиб ташлаган.